

MAXSUDOVA Nilufar

O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti,  
tadqiqotchi

[makhsudova-nilufar@mail.ru](mailto:makhsudova-nilufar@mail.ru)

## ҚАДРИЯТГА АЙЛАНГАН ЭЗГУ ФАЗИЛАТ

### ДОСТОИНСТВО ПРЕВРАТИВШЕЕСЯ В ЦЕННОСТЬ

### A GOOD VIRTUE THAT BECAME A VALUE

**Аннотация.** Ушбу мақола Ўзбек халқининг аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган умрбоқий қадриятига айланиб улгурган эзгу фазилатлардан бири – сахийликка бағишланади. Муаллиф ушбу мақолада мазкур фазилат нима учун Ўзбек миллий қиёфасининг ажралмас бир қисмига айланишининг сабаб ва омилларини баён этган ва уни бир қатор мисоллар орқали таҳлил қилган. Шунингдек, муаллиф сахийлик ва бағрикенгликни улугловчи асарлар, ушбу фазилат бобида халққа намуна бўлган буюк сиймолар бундай эзгу фазилатни қадриятга айланишидаги асосий омиллардан бири сифатида кўрсатади.

**Калит сўзлар:** сахийлик, меҳмондўстлик хайру-эҳсон, панднома, меҳр-мурувват

**Аннотация.** В статье раскрывается одна из почтительных обычаев узбеков – благородство, которое из покоя веков переходит как часть национальной идентичности узбеков. Автор считает, что благородство стало национальным характером узбеков, потому что они были воспитаны предками, которое почтительно щедристь, благотворительность и великодушие.

**Ключевые слова:** щедристь, гостеприимство, благотворительность, дидактика, милосердие

**Annotation.** The article is devoted to generosity which is considered as the part of national identity of Uzbeks. The author believes that it became as national character of Uzbeks because they were brought up almost 10 centuries according to didactic literature which was watered with generosity, hospitality philanthropy.

**Key words:** generosity, hospitality, philanthropy, didactics, mercy

## КИРИШ

Сахийлик инсоннинг ахлоқий фазилатларидан бири бўлиб, ўзи учун кадр қийматга эга бўлган шахсий буюмларини бировдан аямаслиги ва баҳам кўришидир. Кенгроқ талкинда эса, индивидни бошқаларга нисбатан очик муносабатда бўлишлиги ва мол дунёсини, билимини, маънавий қувватини улар билан баҳам кўришга тайёрлигини ифодалайди [6:84]. “Сахийлик” тушунчаси дастлаб Аристотелнинг этик асарларида батафсил ёритилган. Унинг фикрича, сахийлик инсонни ўз бойлигига нисбатан эркин муносабатда бўлишидир, яъни яқинларини хурсанд қилиш, ёрдам бериш мақсадида ўз бойлигидан воз кечишидир [5:25].

Сахийлик ўзбек халқи ардоқлаган ва асрлар оша амал қилиб келаётган олижаноб фазилатдир. Ўзбек халқида “Битта майизни қирқ киши ейди”, – деган нақл бор. Аслида битта майизни қирқ кишига бўлиб бўлмайди, лекин бу нақл халқимизнинг бағрикенглик, сахийлик, меҳр-мурувватлик каби хислатларини намойиш этади.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Саховатпешалик аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган анъаналардан биридир. Марказий Осиё халқлари ҳақида кўплаб мақола ва асарлар ёзган олима IIs Laude Cirtautas ҳам, аждодларимиз саховат борасида барчага намуна бўлганликларини айтиб ўтади. У ўзининг “A survival and revival of traditional Uzbek values and customs: A view from the outside” номли мақоласида қуйидагиларни баён этади: “Бошқа туркий халқлар каби ўзбекларнинг тарихий илдизи VI асрда шимолий шарқий Мўғилистондан то Каспий денгизгача бўлган улкан ҳудудда ҳукмронлик қилган кўчманчи халқларга бориб тақалади. Ушбу кўчманчи халқларнинг аждодлари VIII асрда ўзлари ҳақидаги маълумотларни тошга ўйилган битикларда қолдирган. Бу битикларнинг муаллифларидан бири Билга Хоқон ушбу битик орқали ўзи ва укаси Кул Тегиннинг ҳаёти ҳақида маълумот беради”. Жумладан, Билга Хоқон қуйидаги фикрларини ёзиб қолдирган: “Туркий халқларнинг манфатларини кўзлаб

тунлари ухламадим, кундузлари дам олмадим”. Хоқон бўлиб тайинланганимдан сўнг, мен барча камбағал ва бева-бечораларни тўпладим. Мен кўплаб камбағал инсонларни бой қилдим”. Бу фикрлар уни нақадар ватанпарвар, халқпарвар ва сахий подшо бўлганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, Кул Тегин битигларидаги Кул Тегинга қаратилган қуйидаги фикр орқали уни нақадар сахий инсон бўлганини англаб олиш кийин эмас: “У кийимсизларга кийим, отсизларга от берди”. Илс Лауд Сиртатас ўз мақоласида Урхун-Енисей битикларидаги хоқонни VIII асрда яратилган Беовулф номли қадимги инглиз достонидаги қирол билан қиёслаб, инглиз кироли халқ манфати йўлида ҳеч қандай сахийлик қила олмаганлигини айтиб ўтади [2:52-54].

Сахийлик анъанаси нафақат қадимда балки кейинги даврларда ҳам давом этди. Масалан IX-X асрларда сомоний ҳукмдорлар ва бойлар халқнинг бир йиллик хирожини ўз ҳисобидан тўлаб юбориш бўйича мусобақа ўйнаганлиги фикримизнинг исботидир [7:52]. Шунингдек, аждодларимиз орасида буюк бобоколониимиз Амир Темури бу борада пешқадамлардан бири ҳисобланади. Бу ҳусусда Сохибқироннинг ўзи шундай дейди: “Мен камбағалларга кўп хайр-эхсон қилдим. Ҳар можаро ва муаммони диққат билан текширдим ва уни мумкин қадар тўғри ҳал қилишга бутун жаҳдимни сарф қилдим. Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни, мусофир йўловчилар учун йўл устига работлар бино қилишни буюрдим” [4:23].

Ўзининг саховатпешалиги билан халқнинг обрў эътиборига нафақат ҳукмдорлар, балки оддий халқ вакиллари ҳам сазовор бўлишган. Масалан, йирик тасаввуфий тариқат вакилларида бири Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд топган-тутганларини етим-есирларга, бева-бечораларга инъом этган шахс бўлганлиги кўп манбаларда айтиб ўтилган. Нақшбандия тариқатининг назарий, амалий жиҳатларини бойитиб, бу таълимотнинг машҳур бўлишига ҳисса қўшган Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ўз хўжалик фаолиятдан олган даромадининг кўпгина қисмини аҳоли бошига тушган оғир солиқларни тўлаш, диний ва маданий қурилишларни амалга ошириш каби ишларга сарфлаганлиги, хаттоки Умаршайх Мирзо Тошкент аҳолисида 250000 динор ҳажмида солиқ талаб қилганида Хожа Аҳрор бу маблағнинг ҳаммасини ўзи тўлаб, яна 70000

динорни ҳам солиқ йиғувчиларга топширганлиги маълум ва машҳурдир. Шунингдек, Хожа Аҳрор томонидан Самарқандда, Тошкентда ва Қобулда ҳам мадрасалар қурдирилганлиги ҳақида манбаларда маълумотлар келади [7:14].

Тарихнинг ҳар бир даврида бўлгани каби ўрта асрларда ҳам Моварауннаҳрда инсондаги сахийлик ва бағрикенглик каби сифатлар оддий халқ ва олимлар тарафидан таҳсинга лойиқ жиҳат сифатида тан олинади. Шунинг учун ҳам бу даврда бир қатор мутафаккирлар ва шоирлар тарафидан яратилган дурдона асарларда инсонпарварлик, эл-юрт, Ватан, яхшилик ва эзгулик, хайр-эхсон, меҳр-мурувват, савоб ва сахийлик, ўзаро ёрдам каби ғоялар акс эттирилган эди. XI асрдан кейинги адабиётда панд-насихат, яъни таълим-тарбиявий хусусиятлар етакчилик қилган. Шунинг учун ҳам Ўрта асрларда яратилган кўплаб асарлар асосан панднома жанрида яратилган ва уларнинг деярли барчасида инсонлардаги юксак ахлоқий фазилатлар эъзозланиб, ёмон жиҳатлар эса қораланган. Шундай асарлар сирасига Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар тухфаси”), Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” (“Саодатга йўловчи билим”), Алишер Навоийнинг “Махбуб ул қулуб” асарлари қиради.

Мусулмон Шарқи минтақаси ахлоқий тафаккурида XI аср алоҳида диққатга сазовор. Унда икки буюк панднома асар яратилди. Бири туркий тилда – Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («Бахтга элтувчи билимлар»), иккинчиси форсийда – Кайковуснинг «Қобуснома» асари. “Қутадғу билиг” 13000 мисрани ўз ичига олган ахлоққа, сиёсатшуносликка доир монументал асар. Уни туркий халқларнинг ахлоқий қомуси деб аташ мумкин. Китобда эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, олижаноблик ва тубанлик, сахийлик ва бахиллик, ҳалоллик ва ҳаромлик сингари тушунчалар батафсил қаламга олинади. Уларнинг моҳияти образли, бадиий юксак мисраларда, шеърӣ ҳикматларда, мақолларда очиб берилади. Қутадғу билигда меҳнатсеварлик, сахийлик, мардлик, камтарлик ва сабрлилик инсоннинг ижобий сифатлари деб эътироф этилса, аксинча шошқолоқлик, билимсизлик, номардлик, бахиллик салбий ахлоқий фазилатлар деб айтиб ўтилади [3:20-25].

Ўша даврнинг яна бир машҳур дидактик асарларидан бири бу Аҳмад Югнакийнинг

“Хибат ул-хақойиқ” китобидир. Ушбу асарнинг биринчи боби илм манфаати ва жаҳолатнинг зарарига ҳақида сўз юритилса, 4-8-боблари эса инсонларнинг юксак фазилатларини таърифлаш, нуқсонларини қоралашга бағишланган. Уларда саховат, қўли очиклик, тавозеъ, инсонларга меҳрли бўлиш, вафоли, шавкатли, ҳалим табиатли, кечирувчан, камтар бўлиш тарғиб қилинади, бахил ва очкўзлик, молпарастлик, ғазабнок ва такаббурлик, риекорлик, бесабрлик, зулм ва зўравонлик, сафсатабозлик қаттиқ қораланади. Адиб ушбу асарда саҳий инсон ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради: Агар мақташ лозим бўлса, саҳий инсонни мақта. Зеро, саҳийликнинг каттаси ҳам, кичиги ҳам таҳсинга лойиқдир. Қуйидаги ўзбек халқ мақоли ҳам “Хибат ул-хақойиқ”даги юқоридаги фикрлар асосида келиб чиққан:

Мақтасанг саҳийни мақта  
Топтасанг, бахилни топта.

Ўзбек адабиётининг асосчиси, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоийнинг ижодида меҳр ва мурувват, хайр-эҳсон, хайру саховат, саҳийлик ғояларини ўзига сингдирган ахлоқий тарбия масалалари катта ўрин тутди. “Хайрат ул-аброр” асарининг бешинчи мақоласида Навоий хайру эҳсон (карам) масаласига тўхталади. Бу бобда ҳам шоир ўз фикрларини чиройли баён этишга, оддий гаплардан қочишга ҳаракат қилади. Унинг мулоҳазаларига кўра, хайр-саховат шундай улуг нарсаси, уни давлатманд одамнинг бошидаги тож (афсар) га ўхшатиш мумкин. Шу тожга қадалган қимматбаҳо гавҳарни эса карам деб тасаввур этса арзийди. Навоийнинг фикрича, хайру-саховат кўрсатишга қодир одам ҳеч маҳал бахиллик (бухл) йўлини тутмаслиги, бойлик даражасига эришганидан хурсанд бўлиб, Аллоҳ таолога шукрлар қилиб яшаши зарур. Шоир таъбирича, бахиллик ва ҳасислик инсон табиатидаги энг ярамас иллатдир. Саҳийлик (саҳо) эса инсон боласини безайдиган энг тоза гавҳардир:

*Бухл эрур борча сифатдин ҳасис:  
Лек саҳо жавҳари асру нафис.*

У ўз юксак таъриф-тавсифларида давом этиб, саҳий одамнинг эҳсон улашуви йўллари турмушдаги оддий нарсаларга эмас, кўёшга, кафтини нур таратувчи яшинга қиёслайди:

*Панжсанг ўлуб сиймфишонлиққа қош,  
Машиқу мағрибда нечукким қуёш...  
Чун кафинг олтун сочиб андоқки барқ,  
Барқ ҳаёдин бўлубон терга гарқ.*

Бундан ташқари Алишер Навоийнинг ўзи ҳам саҳий инсон бўлганлиги ҳақида кўп маълумотлар учрайди. Жумладан, академик А. Қаюмовнинг “Алишер Навоий” номли рисоласида берилган маълумотларга кўра, Навоий жамғармаси ҳисобига Ҳиротда ва бутун Хуросон мамлакатида жуда кўп бинолар бунёд этган. Тарихчи Хондамир Алишер Навоий курдирган иморатлар орасида 52 та работ, 19 та ҳовуз, 16 та кўприк, 8 та ҳаммом, кўплаб масжид, 12 та мадраса, 5 та мақбара, кутубхона, шифохона ва бошқа бинолар борлигини бирма-бир кўрсатиб ўтади. Алишер Навоий янги бинолар қуриш билан бирга эски биноларни таъмирлашга ҳам эътибор берди. Жумладан, у таъмир эттириб, зеб бердирган жомеъ масжиди ҳовлисининг узунлиги 114 метр, эни 84 метр бўлиб, унинг 6 та дарвозаси бўлган. Бу жомеъ масжиди ҳозир ҳам Ҳиротнинг энг гўзал меъморий обидаларидан бири ҳисобланади.

Ўрта Осиё алломаларининг илғор ғоялари XVIII-XIX асрларда яшаб, ижод қилган маърифатпарварларнинг асарларида янада бойитилди. Мунис Хоразмийнинг кўпгина асарлари меҳр-мурувват, яхшилик ва олийжаноблик, саховат ва меҳрибонлик ғояларини улуглашга бағишланган бўлса, XI асрнинг машҳур адабий ёдгорликларидан бири бўлмиш “Қобуснома”нинг Огаҳий томонидан форсчадан ўзбек тилига таржима қилинган халқимиз маънавий ҳаётида катта воқеа бўлди. Шунингдек, Огаҳий йигирмадан ортиқ асарни форс-тожик ва араб тилидан ўзбек тилига таржима қилди. Шоир шеъриятининг лирик қаҳрамонлари одамийлик ғоялари билан вояга етган раҳм-шафқатли ва мурувватли, одил ва ҳақсўз, ахлоқий пок ва ҳалол, кўпчилик манфаатларини шахсий ғараз-интилишлардан устун қўя олувчи олижаноб кишилардир.

Маърифатпарвар жадидларнинг ҳомийлик борасидаги саховатпешаликлари ҳаммага ўрнак бўлса арзийдиган ўринлари бўлган. Жумладан, Абдулла Авланий (1878-1943) 1909 йилда Тошкентнинг Дегрез маҳалласида янги мактаб очди. У дарс бериш жараёнида очилаётган янги типдаги мактаблар учун ҳар жиҳатдан қулай бўлган кўплаб дарсликлар яратиш заруратини ҳис қилиб, ўзи ушбу мактаблар учун дарсликлар яратди. У 1909 йилда “Жамияти хайрия” ташкилотини очди ва маҳаллий болалар учун пул йиғиб, тарқатди. Шунингдек, Абдуқодир Шакурӣ (1875-1943) Самарқанд шаҳрида

янги усулдаги биринчи мактабни ташкил қилди. Ўз қишлоғи Ражабаминда 1901 йил янги усулдаги мактабни ишга туширди. У 1908 йили Ражабамин қишлоғида очилган янги усулдаги Абдулқодир Шакурий мактабини Самарқандга, ўз ҳовлисига кўчириб келди ва унга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам беради.

Сахийликка тарғиб ўзбек мақолларида ҳам акс этган. Зеро, *ҳар бир мақолда шу мақолни яратган халқнинг сиймосини кўриш мумкин*. Паремнологик сатҳ доирасида сахий концептини таҳлил қилиш ўзбек халқи дунёқараши, кадриятларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга имкон беради. Ўзбек паремнологик олам манзарасида сахий ва бахил концептлари таҳлили асосида қуйидагилар аниқланди:

1. Сахийлик концепти билан боғлиқ барча ўзбек мақол ва маталларида сахийлик ва бундай фазилятга эга кишилар ижобий, бахиллик семантик майдони атрофида бирлашган барча тушунчалар салбий баҳоланади. Мақол ва маталларда сахий-бахил тушунчалари қуйидаги номларга эга: ҳимматли, қўли очик, йўмард, берган; ҳасис, қизғончиқ, чумсоқ, ҳарис, бермас, қурумсоқ. Шунингдек, паремияларда қўл образи сахий концептини гавдалантиради: *“Берагон қўлим — олагон”, “Ҳайрли қўл қайрилмас”*. Шу ўринда айтиш жоизки, ўзбек лингвимаданиятида қўлнинг очиклиги сахийлик ва сиқиклиги бахиллик билан ассоциация қилинади: *“Қўли очикнинг юзи очик”, “Бахилнинг қўли сиқик, Қўлидан ҳам дили сиқик”*. Бахил концептини туя, бузоқ, ит, шайтон образлари воқелантиради: *“Тангрини молини шайтон қизғонар”, “Соғай десанг, сути йўқ, Қирқай десанг, жуни йўқ”*;

2. Ўзбек мақолларида сахийлик Аллоҳ ва бахиллик шайтон тимсоллари орқали ҳам ёритилган: *“Бер-бер” дейди раҳмон, “Берма” дейди шайтон*, *“Тангрини молини шайтон қизғонибди”, “Худонинг берганига шайтоннинг бахиллиги келибди”*;

3. Халқ мақол ва маталларида сахийлик эр кишига хос фазилят бўлиб, унинг қирралари мардлик, сабрлилик, ботирлик, яхшилик, халқпарликдир: *“Қуш қаноти билан, эр қаноти ҳиммати билан”, “Сахийнинг ўнг қўли берар, чап қўли билмас”, “Ботир топса, барча ер, Бахил топса, босиб ер”, “Мард бир ўйлар, Номард юз ўйлар”<sup>1</sup>, “Бахилники доим “йўқ”,*

*Сахий йўқ бўлса ҳам тўқ”, “Яхши топса, элга ёйар, Ёмон топса, гўрга ёйар”*.

4. Мақолларда сахийликнинг оқибати ушбу фазилятни ижобийлигини кўрсатувчи элементлардан бири. Ўзбек мақолларида сахийликни оқибати бойликнинг камайиши эмас, балки ортиши ва олий мақсад жаннат билан тақдирланишидир: *“Берганга - қўша-қўша, Бермаганга — ўша-ўша”, “Сахий-жаннати, бахил-дўзахи”, “Сахий хор бўлмас, бахил бихишт<sup>2</sup>га кирмас”*. Ушбу мақоллардаги мазмун исломий таълимот асосида келиб чиққан бўлиб, ушбу фикрлар ҳадисларда ва Қуръоннинг Оли Имрон сурасининг 92 ояти, Сабъа сурасининг 39 оятида ҳам ўз ифодасини топган [Қуръон: 62, 432].

6. Бахил инсон паремияларида қуйидагича тасвирланган:

а) очкўз, қизғончиқ инсон: *“Шабнамга қудуқ тўлмас, Дунёга бахил тўймаз”, “Қамиш сувга тўймаз, “Хасис – пулга”, “Бахилдан тош сўрагунча, Гадойдан ош сўра”*;

б) ҳаддан ташқари ўта тежамкор: *“Бахилнинг шами оқса, Кўзининг шами оқар”, “Бахилни қўлида ой бўлса, Оламини ёритмас”*;

с) хайр-саховат, яхшилик қилишни билмайдиган инсон: *“Чўлоқнинг сайри йўқ, Хасиснинг – хайри”, “Бахил эхсондан қочар, Хасис меҳмондан қочар”*. Ўзбек халқига хос хислатлардан бири меҳмондўстликдир. Ўзбек ҳонадонига ташриф буюрган ҳар қандай меҳмон тансиқ таомлар билан сийланади. Акс ҳолат ҳасисликка йўйилади: *“Бермаснинг оши пишмас, Пишса ҳам қозондан тушмас”*.

д) орсиз: *“Хасис ҳаёсиз бўлар, Ери гиёҳсиз бўлар”*;

е) пул, мол-дунё тўплашни ёктирадиган киши: *“Бахил билганин буқлар, Топганин тахлар”*. Ўзбек мақолларига кўра, бахил ўзидан ҳам иқтисод қилиб мол-давлат тўплайдиган инсон: *“Сиқма жоним-чиқар жоним”*;

ф) ҳудбин: *“Меники битсин, Сеники йитсин”*;

г) пасткаш: *“Ҳарис бўлган ҳақир бўлар”*.

7. Ўзбек тилида бахил маъноли мақоллар орасида топишмоксимон, жумбоқ тарзидаги мақоллар ҳам учрайди. Бундай мақолларда бахиллик эксплицит тарзда ифодааланмайди, балки бахил инсонга хос бўлган фазилятлар,

<sup>1</sup> “Берсаммикин, бермасаммикин?” деб кўп ўйлайди, баҳоналар излайди.

<sup>2</sup> Бихишт-жаннат демакдир

хусусиятлар ёки у тарафидан айtilган сўзлар билан баён этилади:

*“Бировга берсам – эссиз ошим, Уйда турса – сасир ошим”, “Ол, десанг, суюнар, “Бер, десанг, куюнар”, “Оларда кирар жоним, Берарда чиқар жоним”, “Олишда: Бисмилло, Беришда: Астағфурулло”.*

8 Ўзбек тили паремиологик бирликларида хасислик оқибатида бахилни хурмати тўкилади, бойлиги ортиш ўрнига камаяди: *“Ҳимматли кўкка кўтарилар, Ҳимматсиз ерга кўмилар”, “Бахилни хурмати бўлмас”, Бахил бойимас, Сахий камимас”.*

9. Сахийликнинг намоён бўлиши майдонлари кўп бўлганидек, хасисликнинг шакллари ғоят хилма-хил. Шулардан бири очкўзлик. Табиатан очкўзлик бахилликнинг бир киррасидир: *“Жон жонга куяр, Ишкамба – нонга”, “Очкўз эшак тўрва тешар”, “Очкўзни тупроқ тўйдирар”.*

Биринчи мақолдаги қўлланилган Ишкамба номи XX асрнинг ёзувчиси Садриддин Айнийнинг “Судхўрнинг ўлими” асаридаги образдир. Садриддин Айний ўз киссасида инсон руҳининг кутбларидан бири хасислик ва зикналикдек жирканч ҳодиса табиатини Қори Ишкамба образи орқали бадиий тадқиқ этган. Айний қаҳрамонининг номи аслида – Қори Исмат, лекин очофат бўлгани учун баъзилар уни “Қори Исмати Ишкам”, баъзилар “Қори Исмати Ишкамба”, бошқа бирлар эса қисқартириб, “Қори Ишкамба”, яъни “Қорин қори” дейдилар. У нафақат мислсиз даражада хасис, очкўз, суллоҳ балки, ҳар томонлама жирканч кимсадир [10:18-19]. Ўзбек халқининг бошқа ёзувчилари асарларида ҳам хасис образлар мавжуд (Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” киссасида ҳам, Ойбекнинг “Олтин водийдан шабадалар” романида), аммо фақат Қори Ишкамба образигина, адабий тип даражасига эриша олгандир. Шу сабаб, “Жон жонга куяр, Ишкамба нонга” мақолини эшитган киши ушбу мақол очкўз, хасис инсонлар ҳақида эканлигини фахмлаб олади.

### ХУЛОСА

Юқорида зикр қилинган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, бағрикенглик, саховатпешалик, одамийлик фазилатлари асрлар давомида аждодларимизнинг энг эзгу амали ҳисобланиб, қадриятга айланган. Ушбу

қадриятлар момолар, боболар томонидан авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Булар қўшничилик амаллари, меҳмондўстлик анъаналарида, ўзбек халқ мақол ва маталларда яққол акс этади. Бир сўз билан айтганда, сахийлик ва бағрикенгликни улугловчи асарларни, буюк мутафаккир, шоир, ёзувчи ва ҳукмдорларнинг эзгу амалларини тинглаб камол топаётган XXI аср ўзбекларида ҳам шубҳасиз бундай жиҳатлар шакллангандир [1:19].

### АДАБИЁТЛАР

1. Allworth E.A. The modern Uzbeks: From fourteenth century to the present. – USA: Hoover Press Publication 373, 1990.
2. Ilse Laude-Cirtautas. A survival and revival of traditional uzbek values and customs: A view from the outside // “Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси” номли халқаро конференция маъруза ва табриklar тезислари тўплами. – Тошкент-Самарқанд: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази, 2007.
3. Omur Elcioglu, Hilmi Ozden. Common thoughts of Socrates and Yusuf Khass Hajib on Wisdom and Virtue.// Journal of the international society for the history of Islamic medicine, Vol 3, № 5, 2004.
4. Амир Темур. Темур тузуклари/Алихонтўра Соғуний. – Тошкент: Ёшлар нашриёт уйи, 2018.
5. Бердиёров Х, Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик лугати. – Т.: “Ўқитувчи”, 1984.
6. Гусейнова А.А. Этика Аристотеля. – М.: Знание, 1984.
7. Джоржиева Э.Д. Этическая оценка в пословицах современного английского языка: дисс. на соиск. уч.степ.к.фил.наук.- М, 2003.
8. Мирзаев Т, Мусокулов А, Саримсоқов Б. Ўзбек халқ мақоллари. – Т.: “Шарқ”, 2005. – Б. 162.
9. Саховатли инсонлар ва саломатлик посбонлари: Метод.-библиогр.қўлл. / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи М.Матмуродова. – Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2006.
10. Шарқнинг аллома санъаткори: Садриддин Айний таваллудининг 130 йиллиги муносабати билан: Метод.-библиогр. қўлл. /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи Н.Алаутдинова; Муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2008.
11. Шораҳмедов Д., Аминов М. Маънолар махзани. -Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2018 – Б. 316.